



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2017 йил 15 август, № 160 (6854) Сешанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ИЖОДИЙ УЮШМАЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, СОҶА ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, шу соҳада меҳнат қилаётган, ўзининг бадиий, ижтимоий-сиёсий руҳдаги ижодий асарлари билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжихатлик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган шоир ва ёзувчилар, рассомлар, маданият ва санъат ходимлари, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шаҳарларда барпо этиладиган кўп квартиралли арзон уйлар ҳамда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган арзон уй-жойларга муҳтож фуқаролар рўйхатини белгиланган тартибда шакллантиришда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъат ташкилотлари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзолари ва ходимлари, жумладан, ушбу соҳалардаги истеъдодли ва иштиқболли ёшларнинг ўй-ғояга бўлган эътижи инobatта олинсин.

2. Қуйидагилар: илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари нашр этилгани учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари — 1-иловага мувофиқ; оммавий ижро учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик, адабий асарлар яратиш бўйича буортмаларни бажаргани учун, ҳайкалтарошлик асарлари, тасвирий санъат асарлари яратгани, бадиий лойиҳалаштириш ва конструкциялаш ишлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари, шунингдек, ушбу пул Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланганида унинг энг юқори ставкалари — 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2017 йил 14 август

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, телевидение ва радио каналлари орқали бериладиган материаллар учун ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари — 3-иловага мувофиқ; кинофильмлар учун адабий сценарийлар, оригинал мусиқа ва кўшиқлар матнини яратгани учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари — 4-иловага мувофиқ; кинофильмлар учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари — 5-иловага мувофиқ;

кинофильмлар постановкаси учун уларнинг бадиий даражасига қўра суратга олиш гуруҳларининг ижодий ходимларига постановка қилгани учун тўланадиган ҳақнинг энг кам ставкалари — 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Молия вазирилик, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаняси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, ижодий уюшмалар ҳамда муаллифлик ҳақи ва унга доир бошқа тўлов турларини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлайдиган ташкилотлар юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун сарфланадиган харажатларни ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида бўлишини қатъий таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларида 7-иловага мувофиқ ўзгартирилган киритилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. М. Султонов зиммасига юклансин.

## ОДАМЛАРНИ ҲАЁТДАН РОЗИ ҚИЛИШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ


Бир инсоннинг ҳаётдан мамнун яшаши учун нима керак? Тинчлик, хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, дерсиз?! Тўғри, булар — бирламчи омиллар. Бироқ одамлар билан мулоқот қилиш, дарду қувончига шерик бўлиш, оғирини енгил қилишда ҳикмат кўп. Буларсиз юртдошларимиз қалбида шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш бир қадар мушкул.

### ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...



Айни кунларда олмаликликларнинг кайфияти жуда баланд. Мавзу битта: Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шаҳарга ташрифи. Кимдир мамлакат раҳбари билан шахсан учрашиш имкониятига эга бўлганидан қувончини яширолмас, бошқаси Олмалик яқин келажақда улкан ўзгаришларга, янгиликларга юз тутиши ҳақида сўз очади. Аҳоли руҳиятидаги бундай кўтаринкилик, албатта, бежиз

эмас. Чунки шаҳарнинг яқин истиқболда меъморий қиёфаси, ижтимоий инфратузилмасини тубдан янгилаш бўйича аниқ режалар, лойиҳалар ишлаб чиқилди, уларни амалга оширишга тегишли мутасаддиларга масъулиятли вазифалар топширилди. Айниқса, узоқ йиллар давомда эътибордан четда қолиб келган ҳудудни аҳоли яшаши учун қулай кентга айлантириш вазифаси қатъий қилиб қўйил-



дики, бу ҳам, одамлар дилидаги гап бўлди. Аслида, Олмалик — мамлакатимизнинг саноати ривожланган шаҳарларидан бири. Бу ердаги йирик ишлаб чиқариш субъектлари нафақат Тошкент вилояти, балки республикамиз иқтисодиётида муҳим урин тутади. Хўш, бундай улкан имкониятлар ҳудуд аҳоли турмушида қандай акс этмоқда? Бугун олмаликликлар ўз ҳаётидан мамнунми?

Олмалиқни, таъбир жоиз бўлса, юртимизга Яратган инъом этган бебаҳо хазиналардан бири, дейиш мумкин. Негаки, унинг қаърида яшириниб ётган бойлик йирик ишлаб чиқариш субъектлари нафақат Тошкент вилояти, балки республикамиз иқтисодиётида муҳим урин тутади. Хўш, турмуш учун жуда қулай муҳитда яшаши керак. Бинобарин, мустақиллигимиз билан тенгдош ёшлар бу шаҳарда жуда кўпчиликини таш-

кил этади. Уларнинг салоҳияти, ақлу дониши ҳеч кимдан кам эмас. Аксинча, ёшларимиз эндиликда юксак интеллектуал билим, маҳорат ва тажриба талаб эътибор юмушда ҳеч кимдан ёрдам сурамай, мағрур, ўз кучига инонган ҳолда "Олмалик кон-металлургия комбинати ривожланишининг иккинчи босқичи" лойиҳасини барпо этишга тайёрлар.

(Давоми 2-бетда).

## Бир-бирлари томон ташланган навбатдаги муҳим қадам

Илгари хабар берилганидек, 11 август куни Тошкентда бўлиб ўтган "Марказий Осиё — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши" мавзусидаги халқаро конференцияда минтақавий аҳамиятга молик энг муҳим масалалар юзасидан Ўзбекистон ва унга қўшни давлатларнинг замонавий минтақавий сиёсати, нуктаи назар ҳамда ёндашувларининг турли қирралари батафсил муҳокама этилди.

### ДУНЁ НИГОҲИ

Анжуманнинг халқаро ташкилотлар вакиллари ва Марказий Осиё бўйича олимилар ҳамда экспертлардан иборат айрим иштирокчилари "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирлари билан суҳбат чоғида ушбу муҳим тадбирнинг яқинлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар. Қуйида

мазкур суҳбатларнинг бир қисми ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинади. **Петко ДРАГАНОВ, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари:** — Кейинги вақтларда Марказий Осиёда интег-

рация жараёнининг жадаллашуви таъйинли кузатишмоқда. Қўшни мамлакатлар билан муносабатлар мустаҳкамланиши учун устувор йўналиш сифатида эълон қилган Ўзбекистон бунга асосий турткини берди. Бугун ана шу сиёсатнинг ижобий натижаларини кўриб турибмиз.

(Давоми 2-бетда).

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда депутатлар қўйи палата мажлиси кун тартибига киритилган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига оид бир қатор долзарб қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда дастлабки тарзда кўриб чиқдилар.

## Қонун лойиҳалари муҳокамасида асосли таклифларга эътибор қаратилмоқда

Қунончи, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент қўйи палатасидаги фракцияси йиғилишида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғриси-

да"ги қонун лойиҳаси қўзғин муҳокама қилинди. Қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиши, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўйга чиқарилаётганини ўрганиш назарда тутилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 50000 сўм бўлган пул белгиларини муомалага чиқариш тўғрисида

2017 йилнинг 22 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 50000 сўм бўлган банкнот қўйинишда янги пул белгиларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 50000 сўм бўлган пул белгилари 144 x 78 мм. ўлчамдаги ҳамюртларимиз қўзғалди тўғрисида.

Банкнотнинг ўнг тарафидида кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва "50000" рақами кўринишида сув белгиси мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қўзғалди тўғрисида "Дарча" ва "3Д" эффекти юзга чиқиб, ичкирига ботуви эни 4 мм. бўлган химоя илп ўтказилган.

Банкнот олд томонининг марказида Мустақиллик майдонидида "Эгулик" арқаси тепасидаги парвозга шайланган лойиҳалар тасвирланган.

Чап юқори қисмида "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви мавжуд. Ушбу матн "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI" сўз бирикмаси такрорланувчи микроматри чизик билан ажратилган.

Микроматри чизик остида "O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUNDUDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART" матни акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Банкнот чап тарафининг пастки қисмида "50000" рақами ва "ELLIK MING SO'M" ёзуви мавжуд бўлиб, банкнотнинг қийматини билдиради.

Юқоридаги барча тасвирлар ва ёзувлар буртиб туради, ушлаб қўрилганда сезилади.

Марказда Ўзбекистон Республикасининг ҳошияланган харитаси жойлашган бўлиб, унинг фони "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI" сўз бирикмаси такрорланувчи микроматри кўринишида ишланган.

Чап тараф пастки қисмидаги оқ рангли сатҳда жойлашган "50000" рақамлари тепасида етти та рақамдан иборат серияси жойлашган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмидаги махсус белги арқа тасвири кўринишида бўлиб, ёруғликка қаратилганда арқанинг ранги банкнот орқа томонидаги рангли фон билан тўлдирилади.

Арқанинг остида банкнот чиқарилган йил "2017" кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг пастки қисмида кўриш бурчига қараб рангини бронза рангдан яшил рангга ўзгартирувчи ва ушлаб қўрилганда билинадиган буртиб турувчи "50000" рақами мавжуд.

қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўрилади. Оқ рангдан сатҳнинг юқори қисмида арқа тасвири мавжуд бўлиб, ёруғликка қўрилганда банкнот олд қисмидаги тасвир билан бир-бирини тўлдирди.

Банкнотнинг марказида "ANJUMANLAR SAROVI" меъморий биноси тасвирланган.

Тасвирнинг юқори чап бурчига бир-бирини кесиб ўтувчи "50000" ва "SO'M" ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан "ELLIK MING" кўрсатилган.

Шунингдек, банкнот қиймати "50000" кўринишида юқори ўнг ва пастки чап бурчакларда акс эттирилган.

Остки фон нафис чизиклар қўлланилган ҳолда ишланган миллий нақшкор безаклар ва буртиб тургандек таассурот уйғотувчи банкнот қиймати кўринишидаги рақамли тасвирлардан иборат.

Пастки қисмида "O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNIGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI" матни жойлашган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 50000 сўм бўлган пул белгилари, айни пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.



## Ўзбекистон — Жанубий Корея:

## АКТ соҳасидаги алоқалар ривожланмоқда

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида очик дастурий махсулотларни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон — Жанубий Корея форуми бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Корея Республикасининг ахборот технологиялари саноатини ривожлантириш миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил қилинган анжуманда ахборот технологиялари ва очик кодли дастурий таъминот яратувчи компаниялар раҳбарлари, ишбилармон доиралар ва олий таълим муассасалари вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари Олимжон Умаров, Корея Республикаси Ахборотлашган жамият миллий агентлиги вице-президенти Ким Тэ Юл ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик қўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).







Инсоният тафаккурининг буюк кашфиётларидан бири бўлган мусиқа санъати қадимий тарихга эга. Минг йилдан ортиқроқ вақт давомида Буюк Ипак йўли орқали хўнарманчилик буюмлари, турли-туман савдо маҳсулотлари билан бирга, мусиқа маданияти ҳам Шарқий Туркистон, Хитой, Корея ва ҳатто Японияга етиб борган.

Хитойлик олим Сун Сяннинг ёзишича, судийларнинг қўшиқлари, рақслари ва мусиқа асбоблари доимий равишда Чин ўлкаси шаҳар ҳамда қишлоқлари кўчалари бўйлаб таралиб турган. Қолаверса, император ва юқори мансабдорлар саройларида Транс-Оксиана (Урта Осиё) ҳамда Шарқий Туркистондан келган мусиқачиларга юксак санъатлари боис юқори даражада ҳурмат кўрсатилган. Япониялик олим Кисибэ Тан империяси саройида фаолият кўрсатган Урта Осиё ва Шарқий туркистонлик ўттиз бир нафар мусиқачининг номини аниқлаган.

## ЮРТДАН-ЮРТГА, ДИЛДАН-ДИЛГА ЎТГУВЧИ МЎЪЖИЗА, БУ — САНЪАТ

Х аср охирида ўлкамиздан Хитойга борган қўшиқчининг беқиёс овозидан илҳомланган Чин дёри шoirи Бо Цзюй-и "Чочлик қўшиқчи қиз" деган шеър ҳам битанлиги тарихдан маълум. Тан империяси даврида 727 йили Кешдан, 729 йили Маймурғдан, 713 ва 727 йилларда Самарқанддан ёш йигит ва қизлар Хитойга бориб, қирмизи кўйлак, қизил чарм қовушда рақс ижро этганлар. Уларнинг қишлари махсус саҳналаштирилган. Рақслар, асосан, икки турга бўлинган. Биринчиси, гавда ва кўл бармоқларига алоҳида эътибор бериладиган ҳаракатлар орқали нафис ижро этилса, иккинчи тури шўшон, шиддатли ҳамда акробатик усулларда бажарилган. Уларнинг рақслари тўғрисида хитойлик шoirлар Бо Цзюй-и ва Юанг Чжен "Шамолдек чарх ураётган Фарблик қизлар" деган шеър битган. Хитойлик маънавият ва маданият вақт кўзлардан сўғдила рақсларнинг бир неча ижро усуллари ўрганилган.

Хитой йилномаларида келтирилган бундай маълумотларнинг тўғрилigини ўлкада олиб борилган археологик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Шимолий Хитойдаги қазилмалар чоғида бадавлат сўғди асломанинги қабри топилган бўлиб, бу ердан чиққан мрамар тоштахтада Хитойга бориб ўз санъатини намойиш этаётган сўғди мусиқа ансамбли тасвирланган. Ансамблда ўнга яқин машоқлар иштирок этган. Улардан бир неча нафари уд, икки нафари най, икки нафари бир кўли билан ушлаб, иккинчи кўли билан уриб чалинадиган ноғорасимон асбоб ушлаб олган. Бир созанда эса арфа чалаётди. Созандаларнинг ўртасида — раққос.

Буюк Шарқ алломалари Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Пахлавон Маҳмуд, Умар Хайём, Мирзо Улугбек, Заҳриддин Мухаммад Бобур, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Пахлавон Мухаммад, Наҳмиддин Кавкабий, Дарвиш Али Чангий ва бошқа улуг бобоқалонларимиз ўз рисолаларида ижрочилик санъати, мусиқа илми ҳамда тарихи, чоғу созларининг тузилиши, ижривий услублари, санъаткорлик қонун-қоидаларига оид қимматли маълумотларни баён этиб кетганлар. Машҳур дидактик асар "Қобуснома"да ҳам ҳофизлик ва санъаткорликнинг қоидаларига бағишланган алоҳида боб бор. Шарқ халқларининг мусиқий мероси бўлиши Мақом, Мўғом, Дастгоҳ, Навба, Рага, Кюи каби ижрочиликнинг мураккаб туркумлари авлоддан-авлодга оғзаки равишда ўтиб келган.

Тарихий манбалар, устоз-санъаткорлар фикри ҳамда илмий тадқиқотларга қараганда, Урта Осиё, Хуросон ва Озарбайжон халқлари мусиқасида куйидаги ўн икки (Дувозда) мақом: "Ушшоқ", "Наво", "Бузалик", "Рост", "Хусайний", "Хижоз", "Роҳавий", "Зангула", "Ироқ", "Исфохон", "Зирофанд", "Бузург"нинг, мусиқа асбобларидан: уриб чалинадиган (доира, ноғора, қўшноғора, довул), торли чоғулар (арфа, чанг, уд, рубоб, дўмбира, камончали соз — қубуз, ғижжак), пуфлаб чалинадиган чоғу (най, сурнай, карнай, сибизга)лар бир-бирига ўхшашлиги ҳам Буюк Ипак йўлининг нақадар аҳамиятли эканлигини даллолатлар.

Темурийлар даврида хонанда ва созандалар, санъат аҳли Урта Осиё, Хуросон, Самарқандда тўпландилар. Улар расмий, дипломатик, ҳарбий ҳамда бошқа тантаналарнинг доимий қатнашчиларига айланган, халқ томошалари, оммавий байрамлар улариш ўтмас эди. Бу эса, ўз навбатида, мусиқанин бошқа санъатлар қаторидан муҳим ўрин эгаллашини таъминлади. Манбаларда келтирилишича, ўзбек халқи мусиқа санъати қаторида, ҳарбий-расмий мусиқа турлари, мумтоз мақом санъати, минтақанин бошқа турли муболагаси, нафақат ўзбек халқи, балки бутун Шарқ мусиқа санъати учун жадал ривожланиши, камолот чўққисига эришиши, чинакам уйғониш палласи бўлган, дейиш мумкин. Зеро, бу халқлар ягона давлатни ташкил этиб, Узоро самарали маданий алоқалар юритибгина қолмай, айнаи вақтда Осиё ва Европанин энг йirik мамлакатлари билан ҳам маънавий боғланиш имкониятларига эга бўлганлар. Айниқса, Абдулқодир Мароғийнинг Шом давлатидан олиб келиниб, сарой мусиқачилари раҳбари этиб кий ҳамда озарбайжон, форсий-забон халқларнинг мусиқавий фольклори ривож топди.

## Спорт

Қирққа яқин давлатлардан қарийб 600 нафар вакил. Бу — Тошкентда таъқондо (WTF) бўйича Бутунжаҳон таъқондо федерацияси президенти кубоги учун ўтказилган Осиё минтақаси мусобақасида иштирок этган спортчилар сонин.

## Ўзбекистон — чемпионлар Ватани



Уч кун давом этган халқаро турнирда бахслар муросасиз кечди. Негаки, спортчилар нафақат совринли ўринлар, балки навбатдаги ёғи Олимпиада бўйича рейтинг оноклари учун ҳам беллашди. Айни шу жиҳат мусобақанин қизиқарли ва соғлом рақобат асосида ўтишини таъминлади. Яқунда ўзбекистонлик таъқондочилар 26 та олтин, 22 та кумуш ва 48 та бронза медалига сазовор бўлишди.

Жумладан, кадетлар ва ёшлар ўртасида Маржона Примова, Диёра Имомалиева, Дилнора Бахтиёрова, Нозима Холмухаммедова, Заринашон Эргашева, Дилдора Отажонова, Марьям Тошмухамедова, Зафарбек Каримов, Жаҳовир Холмуродов, Жасур Ҳикमतов, Абборжон Абдувахобов ва Фаридун Шодибеов каби истеъдодли ёш таъқондочиларинг таъқиб ва маҳорати ортиб бораётгани яққол ўз ифодасини топди. Уларнинг иштироки муҳим мусобақасида бўлган ҳақиқатдан юқори баҳоланди.

Навқирон спортчиларимиз муваффақияти юртимиз чемпионлар Ватани эканини яна бир қарра кўрсатди. Бунин мусобақа шарофати билан пойтахтимизга ташриф буюрган Бутунжаҳон таъқондо федерацияси президенти Чо Чунг Вон ҳам эътироф этди. Унинг таъқидлашича, Ўзбекистон — иқтидорли спортчиларга бой мамлакат. Вакилларимиз сўнги йилларда йirik халқаро турнирларда юқори натижалар қайд этмоқда. Бу юртимизда спорт соҳасида изчил ишлохотлар амалга оширилаётгани, маҳоратли спортчиларни тарбиялаш бўйича пухта тизим яратилганидан далоят беради.

Катталар ўртасида таъқондочиларимиздан Максим Рафалович, Валентин Ҳегай, Мирзонозим Шарапов, Ниёз Пулатов, Баҳром Абдуллаев, Камронбек Яхшибеов, Нигора Турсунқуллова ва Умида Абдуллаева 2020 йили Токио шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги ёғи Олимпиада бўйича рейтинг онокларини кўлга киритди.

# МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ

Шу кунларда ота-оналар мактабга қатнайдиган фарзандига форма, ўқув қуроллари олиш, уларни янги ўқув йилга ҳар жиҳатдан тайёрлаш жараёни билан банд. Таҳририятимизга бўлаётган кўп сонли кўнгиноқларда ҳам ахсарият газетхонларимиз: "Янги ўқув йили учун савдо-сотик ишларини мактаб ярмаркасида қилган яхшими ёки бозордан? Агар ярмаркадан оладиган бўлсак, маҳсулотлар арзонга тушади?" Уларнинг сифати қай даражада бўлади?" сингари долзарб саволлар билан мурожаат қилишапти.

ота-оналар ва ўқувчилар учун қулайлик яратмоқда

Ана шундай саволларга тегишли мутасаддилардан жавоб олдик.

— Ҳам арзон, ҳам сифатли ўқув қуроллари, мактаб формаларини, албатта, махсус ярмаркалардан харид қилган маъқул, — дейди Халқ таълими вазири Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Дилшод Кенжаев. — Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мактаб ярмаркалари бу йил ҳам 10 августдан 10 сентябргача давом этади. Республикадаги 1325 та мактаб ярмаркасида ўқувчилар учун 26 турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб формаси, кийим-кечаклар ва пойабзаллар сотуви ташкил этилмоқда.

Ярмаркалар умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хўнар коллежлари, аҳоли гавжум бозорлар, йirik савдо мажмуаларида фаолият юритади.

Айтиш жоизки, ярмаркалар фаолиятини ушқоқлик билан мувофиқлаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликларда мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилган. Савдога чиқарилаётган асосий турдаги маҳсулотларни Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти, "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ва бошқа ташкилотлар етказиб бераётди. Буларнинг барчаси, албатта, аҳолига қулайлик яратиш, фарзандларимизнинг янги ўқув йилига муносиб тайёргарлик қўришига кўмаклашишдан иборат.

Нарх-навоининг сунъий равишда ошиб кетишига

### ҒАМХҲҮРЛИК

кани қошида ташкил этилган мактаб ярмаркаси харидорлар билан гавжум.

— Ярмарка имкониятидан нафақат бизнинг ўқувчиларимиз, балки яқин ҳудудда яшовчи йигит-қизлар ҳам фойдаланишяпти, — дейди мазкур мактаб директори Гавҳар Зухурова. — Бу ердан ўқув қуролларининг барча турини топиш мумкин. Мухими, маҳсулотлар сифати ҳамда нархи аҳолига манзур бўлаётди.

— Қизим Моҳинахон шу мактабнинг биринчи синфига қадам қўйди, — дейди Холита Жўраева. — Фарзандларимизга барча дарслик ва ўқув қуролларидан иборат "Президент совгаси" берилишини эшитиб, жуда қувондим. Шу боис мактаб ярмаркасида фақат форма олдик. Нархи 75 минг сўм экан. Бозордан шу кийимни суриштирган эдик, юз минг сўмдан зиёдлигини айтишди. Мактаб ярмаркасини танлаб хато қилмабмиз. Яратилган қулайликлардан жуда миннатдоримиз.



Биз мактаб ярмаркаларида иштирок этаётган мутасадди ташкилотлар, ишлаб чиқариш вакиллари билан улар фаолияти, жорий этилган янгиликлар, ярмаркага тақдим қилинадиган маҳсулотлар ҳусусида сўхбатлашдик.

**Камола ҒУЛОМОВА, "Sharq liboslari" дизайн-маркази директори:**

— Бу йилги мактаб ярмаркасида "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти таркибидagi 20 дан зиёд корхоналар бежирим, сифатли ва ҳамёнбop мактаб формалари билан иштирок этмоқда. Биласиз, ўқувчилар учун формаларни яратиш — фойда масъулиятли вазифа. Шу сабабдан бу жараёнда маҳоратли дизайнерлар, моделерлар, либослар технология билан бирга, шифокорлар, ота-оналарнинг фикрларига ҳам таянилмоқда. Қолаверса, асосан, табиий матолардан фойдаланишга, моделларнинг ихчам ва қулай бўлиши, иқлим ҳамда гигиеник талабларга мослигига жиддий эътибор қаратилаяпти. Энди "Made in Uzbekistan" бренди остидаги маҳсулотларимиз хорижники билан бемалол рақобатлаша олади. Нархи эса анча арзон. Шу боис аҳолига маъқул келиб, ўз корхоналаримиз маҳсулотларини кўпроқ танлашмоқда.

**Камола АЪЛАМОВА, "Шарқ зийқори" МЧЖ бош мутасаддиси:**

— Ўқувчининг сифатли билим олишида айнан ўқув қуроллари ва дарсликлар муҳим ўринга эга. Масалан, "Кундалик дафтар" ёки ёзув ва машқ дафтарлари сифатсиз, ўза жимжимадор қилиб ишланган бўлса, бу ўқувчини чалғитиши мумкин. Эътиборлиси, мактаб ярмаркаларида ана шундай унсурлардан холи, миллий қадриятларимиз ҳамда санитария-гигиена талабларига тўла жавоб берадиган, бир хал стандартга эга, ўзимизда ишлаб чиқарилган дафтарлар сотилапти. Улар ўқувчининг кўзини толиқтирмайди. Хошиялари қўринарли, саҳифалар юзаси текис, ёзишга қулай.



Х. ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Биласиз, "Шарқ" нашриётида дарсликларни сифатли чоп этишга ҳам алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндашилади. Айни дамда 9-синфдан кейинги таълим учун ҳам дарсликлар яратиш ишлари қизғин давом этаётди. Китоблардаги матнлар кўзини толиқтирмайдиган катталикда берилиб, дарсликнинг сифат ҳамда мазмун жиҳатидан юқори савияда бўлиши таъминланмоқда.

Уйлаймики, ушбу маҳсулотлар ота-оналарга, фарзандларимизга манзур бўлиб, миллионлаб хонадонларга зиё олиб қиради.

### Шухрат АЛИЕВ, "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси бош мутасаддиси:

— 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида тўққизинчи синфдан кейинги таълим тикланмоқда. Бу бизнинг уюшма олдидаги масъулиятини янада оширди. Сабаби, шу пайтгача ярмаркаларда болалар учун сифатли оёқ кийимлар етказиб берилган бўлса, айни пайтда ўсимир ўғил-қизларимиз учун ҳам замонавий пойабзаллар ишлаб чиқараямики. Бундан ташқари, ҳудудларга қулай ва чидамли портфеллар етказиб беришни режалаштирганимиз. Айни пайтда улар пешма-пеш жойларга жўнатишмоқда.

Маҳсулотлар юртимизда юқори андозалар асосида маҳаллий тадбиркорлар томонидан тайёрланган. Пойабзалларимиз сифати, пишқилиги, қулайлиги билан хорижникидан қолишмайди. Бугунги харидорнинг диди, маҳсулотга талабчанлиги бундан 25 — 30 йил аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Илгари фарзандига пойабзал танлайдиган ота-оналар: "Шунисям бўлавердики, болам, оёғингни сиқмасан, иссиқ-сovuқдан асраса бўлди-да", дея ҳафсаласизлик билан маҳсулот танлаган бўлса, бугун ўғли ёки қизига оёқ кийим олаётганда унинг хом ашёси, сифати, дизайни, белгиланган стандартларга тўғри келиши, саломатликка таъсири қандай, қўйинги, ҳамма жиҳатини суриштиради. Етти ўлаб, бир кесгандан кейингина харид қилади. Бу яхши, албатта. Ўз навбатида, мана шундай талабчанлик ишлаб чиқарувчилар зиммасидаги масъулиятини ҳам ошираётди.

"Халқ сўзи" муҳбири О. ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

## Полвонларимизнинг кураги ерга тегмади

Эронда ўзбек миллий кураши бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида терма жамоамиз аъзолари учта олтин ва битта кумуш медални кўлга киритди.

Нуфузли мусобақада Эркин Қозоқов (66 кг.), Мадийр Эркинов (73 кг.) ва Сухроб Эгамбердиев (+100 кг.) барча рақиблари курагини ерга теккизиб, голибликка эришди. Яна бир вақилимиз Бунёд Турсунов эса вазни 81 килограммга бўлган полвонлар баҳсида кумуш медалга сазовор бўлди.

Чилининг Сантьяго шаҳрида дзюдо бўйича кадетлар ўртасида уюштирилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Мақсуд Очиллов муносиб иштирок этди.

Умидли полвонимиз 50 килограммгача бўлган дзюдочилар баҳсида австралиялик Кин Стурат, венгриялик Ксанад Фечко ва туркиялик Абдулазиз Карани мағлубиятга учратиш, кумуш медал билан тақдирланди.

### ЭЪЛОН

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

«Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 3 мартдаги 45-сонида чоп этилган эълон бўйича аукцион савдосига чиқарилган, «O'zelekttrarmoq» унитар корхонасининг «Markaziy magistral elektr tarmoqlari» корхонаси балансидаги, давлат рақами 01/874 ЕВА бўлган, «ГАЗ-31029 СПГ» русумли автотранспорт воситаси ушбу ташкилотнинг 2017 йил 9 августдаги 4314/1657-сонли хатига асосан аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР**

9.00 дан 18.00 гача  
232-11-15,  
236-09-25.  
E-mail: reklama@xs.uz

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

**Халқ сўзи Народное слово**

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 79 848 нускада босилди, ҳажми — 2-табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ГАЗЕТАНИНГ ХАДОҒИНИ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ОҚИБ ОЛИШ УЧУН ОИ-ХАДОНИ ТЕЛЕФОННИНГ БИРИКИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибхона (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ТАҲРИРЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪИМАЛАР ТАҚРИ ҚИЛИНАЙДИ ВА МУВАФИҚА ҚАЙТАРИЛАЙДИ. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАҲРИРЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС.

ГАЗЕТАНИНГ ЭТКАЗИБ БЕРИЛИШИ УЧУН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАЛБИ ҚИЛИНАЙДИ.

ГАЗЕТА ТАҲРИРЯТ КОМПЬУТЕР МАРКАЗИДА ТЕРМИДА ҲАМДА ОПЕРАТОР Ж. ТОҒЕВ ТОМОНИДАН САҲИФЛАНИДИ.

ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИК ҲАДОҒИНИ СИФАТЛИ ЧОП ЭТИЛИШИГА "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МАСЪУЛ. БОСМАХОНА ТЕЛЕФОНИ: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Д. Соҳқов. Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.45 Топширилди — 01.40 1 3 4 5 6